



## ЎҚУВЧИЛАР ОНГИДА ЖАМИЯТ МАФКУРАСИНИНГ МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ЖАРАЁНИГА ТАЪСИР ЭТИШНИНГ ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРИ

*Раҳбаров У.Р.*

*Тошкент давлат педагогика университети Тарих факультети  
“Маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси  
ф.ф.б.ф.д., PhD. в.б, доцент*

**Таянч сўзлар:** ватан, жамият, мафкура, ахлоқ, маданият, кадрият, миллат, миллий ўзликни англаш, миллий ифтихор, миллий ғурур, маънавият.

**Ключевые слова:** родина, общество, идеология, мораль, культура, ценности, нация, национальная идентичность, национальная гордость, национальная гордость, духовность.

**Key words:** homeland, society, ideology, morality, culture, values, nation, national identity, national pride, national pride, spirituality.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш-авлоднинг маънавий тарбияси ҳамда миллий ўзлигини англашда ахлоқий қарашлари орқали аждодлар ўғити асосида тарбиялаш масаласи муҳим ҳисобланади. Жумаладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жамиятда ҳаётида ёш-авлод ва уларнинг халқ олдида масъулятига эътибор берар экан: “ёшларимиз, жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келажаги учун стратегик аҳамиятга эга” эканлиги мамлакатимиз таълим ва фан соҳасида амалга оширилаётган ислохотларда ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда. Шунинг учун, ёш-авлоднинг жамиятда ўз интеллектуал салоҳияти ва ўз истедод ва иқтидорини намоён этиши учун барча имкониятлар яратиб берилмоқда.

Миллий ғоя, мафкура ривожини жамиятда халқларнинг, аждод-авлодларимизнинг орзу-умидлари, ҳуқуқ ва манфаатлари билан боғлиқ ҳолда миллий ўзликни англашга хизмат қилган. Лекин, бу узок тарихий ривожланиш босқичларини ўз ичига олади. Бу халқимизнинг тарихий бирликлари билан боғлиқ ҳолда «уруғчилик», «қабилла», «элат», «милат» сифатида шаклланиш билан ривожланиб борган. Ҳозирги давр ижтимоий – фалсафий тафаккури

нуқтаи назардан олиб қараганда – Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва миллий маънавий муносабатлар моҳияти миллий ғоя ва мафкура билан йўғрилган. Ҳозирги шароитда миллий ўзликни англашнинг жамият маънавий ҳаётига функционал таъсирини таҳлил қилишнинг яна бир муҳим жиҳати – унинг миллий ғоя ва мафкура шаклланишидаги ролини ва унинг таъсирини очиб беришни ҳам тақозо этади. Чунки мафкура тизим сифатида ижтимоий-тарихий тараққиёт жараёнида жамият ҳаётининг барча соҳаларига, ижтимоий-сиёсий муносабатларга фаол таъсир кўрсатади.

Жамият ижтимоий ҳаётида мафкура ижтимоий – маънавий ва сиёсий моҳиятга эга бўлган тизим сифатида назарийлашган махсус шаклдаги ғояларни ташкил этади. Миллий ғоя ҳозирги давр Ўзбекистон сиёсий – ижтимоий ҳаётининг маънавий асоси сифатида мафкуравий жараёнларнинг боришида ижтимоий руҳиятга фаол таъсир кўрсатиб, сафарбар қилувчи, бирлаштирувчи, йўналтирувчи хусусиятни ўзида мужассамлаштиради. Унинг бу хусусияти жамият ижтимоий онгига функционал таъсир орқали ижтимоий муносабатларнинг барқарорлигини, унинг жамият ҳаётидаги бошқа соҳалар билан уйғунлигини ҳамда жамиятнинг ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

«Мафкура», «миллий ғоя» ва «миллий ўзликни англаш» тушунчалари бир-бирига боғлиқ бўлиб, жамият тараққиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Мафкура, миллий ғоя ва миллий ўзликни англашнинг бир-бири билан таркибий – функционал боғлиқ жиҳатларининг амалда таъминланиши жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётига, унинг характери ва мазмун-моҳиятига бевосита алоқадорликда амалга ошиб келган. Жамиятнинг демократик тамойилларга таяниши мафкура, миллий ғоя ва миллий ўзликни англаш муносабатларини умуминсоний кадриятлар асосида ҳал этиш имконини беради.

Миллий ғоя тизимида миллий ўзликни англаш жараёнининг жамият маънавий ҳаётига функционал таъсирини таҳлил қилишнинг яна бир муҳим жиҳати – унинг миллий ғоя шаклланишидаги ўрнини ва таъсирини очиб беришни ҳам тақозо этади.

О.Бозоров фикрича, «миллий ғоя ўз моҳиятига кўра, халқ, миллат тақдирига дахлдор бўлган, қисқа ёки узун муддатда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ва мўлжалларни ҳам акс эттиради».

Дарҳақиқат, миллий ғоя, мафкура халқларни, миллатларни бирлаштирувчи муштарак мақсадларни ўзида ифода этганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Миллий ўзликни англашнинг ўзи ҳам миллий ғоя сингари бирлаштирувчи функцияни бажарган ҳолда шахснинг ижтимоийлашуви шакллари ва усуллари, миллий алоқаларнинг ривожига таъсир кўрсатади. Масалан, оддий



психологик даражада бирлашиш вазифасини ҳал қилиш учун яна бир тарихий, бироқ ханузгача ўз ҳаракатини сақлаб қолган миллий – этник қарашлар муҳим аҳамият касб этади. Мафқуравий курашлар жараёнида миллий ўзликни англашнинг имкониятлари унинг функцияларида намоён бўлади, зеро миллий тараққиётга хизмат қилувчи бир қатор функцияларни бажаради. Файласуф олим С.Отамуратов фикрича, улар қуйдагилар «баҳолаш ва даъват этиш, меъёрий мувофақлаштириш (россиялик олим Б.А.Шувалов фикри), мослашув, ҳимоя қилиш, ўз-ўзини назорат қилиш ва маъсуллик таъсири (россиялик олим К.Н.Хабибулин фикри) функцияларидан иборат».

Миллий ўзликни англашнинг функцияларининг амал қилиши мавжуд шароит, ижтимоий-сиёсий мақоми билан боғлиқ бўлади. Масалан, миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлмаган шароитда озод бўлишини баҳолаши, даъват этиш, маъсуллик, бирлаштириш, мақсадга йўналтирувчи, ҳаракатга келтирувчи функциялари устуворлик касб этади. Миллат ўз мустақиллигини қўлга киритган шароитда миллий тараққиётни амалга оширишга хизмат қилувчи функцияси устувор даражага кўтарилади.

Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидланган қуйидаги фикр мазкур йўналишдаги фаолият учун асосий мезондир. «Эндиликда олдимизда турган энг муҳим вазифа – ана шу юксак тушунчалар билан бирга миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат».

Жумладан, сиёсий фанлар доктори, профессор И.Эргашевнинг қуйидаги фикрига қўшиламыз. «Миллий ғоя ва мафқура жамиятда инсонлар, халқлар, миллатларни умумий мақсад ва манфаат йўлида бирлаштириб туриш учун зарур. Шунингдек, бу халқларнинг ўзларини халқ ёки миллат сифатида англаши учун, яшашга қодир бўлиш, танланган тараққиёт йўлидан эркин ривожланиш учун, дунё маданиятини янги мазмун билан бойитишга хизмат қиладиган, шунга сафарбар этадиган, маънавий куч – қудрат манбаи ҳамдир». Маълумки, Ўзбекистон ижтимоий-маънавий ҳаётида шаклланаётган миллий ғоя ўзликнинг характери, функцияси орқали мавжуд ижтимоий-сиёсий тизим функционал фаолиятида, шахс, миллат ва жамият маънавий етуқлигини таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди. Миллий ғоя мавжуд жамият

ижтимоий ҳаёти тизимининг барча бўғинларининг функционал фаолияти мазмунини ташкил қилади. Чунки, «мафкура жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмунини, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради».

Чунки, миллий ғоянинг бош функцияси жамият тараққиётида миллатнинг ғоявий қуроли, маънавий восита сифатида, халқаро миқёсда эса миллий мустақил давлат сиёсатининг нуфузини ошириб боришдек буюк вазифани бажаришдан иборатдир.

Мафкура – турли гуруҳлар, тоифа ва қатламлардаги кишиларнинг манфаатларини ифодалаб, ижтимоий ҳаёти ва фаолиятини тартибга солиб, ҳаракатга келтиради, ғояларнинг руёбга чиқишига хизмат қилади. Шунинг учун ғоя – мақсад бўлса, мафкура уни амалга оширишдир. Бошқача айтганда, инсон ёки миллатнинг асосий мақсадлари ғояларида намоён бўлса, уни руёбга чиқаришга қаратилган ишларнинг мазмун-моҳияти мафкурани ташкил этади. Мафкуралар ўз моҳияти ва таъсир кучига кўра, жамиятни бирлаштириши ёки уни бир-бирига қарама-қарши тарафларга бўлиб юбориши, давлатнинг жаҳондаги обрў ва мавқеини ошириши ёки тушириши, халқларни юксакликка кўтариши ёки таназзулга дучор этиши мумкин. Юксак мақсадлар бунёдкор ғояларга асосланган мафкура ижтимоий-иқтисодий тараққиётга туртки бўлади, маънавийтни юксалтиради, инсонларни улуғвор ишларга сафарбар этади. Озодлик, эркинлик, мустақиллик, тинчлик, ҳамкорлик ғоялари асосида шаклланган, эзгу мақсадларга хизмат қиладиган мафкура бунёдкорлик хусусиятига эга бўлади. «Миллат тараққиётига, унинг юксалишига хизмат қиладиган, халқларни жипслаштириб, олий мақсадларга сафарбар этадиган ғоялар юксак ғоялардир... юксак маънавият ва тафаккур маҳсули ҳисобланган бунёдкор ғоялар элни эл, миллатни миллат қилиб бирлаштиради, кишиларни тараққиёт сари етаклайди».

Мафкура динамик характерга эга бўлиб, инсон ва жамият ҳаётидаги объектив ва субъектив шарт-шароитларга мос ҳолда, кишиларнинг талаб, эҳтиёж, ишонч-эътиқод, манфаат ва мақсадларига мувофиқ тарзда, ретроспектив асосларда ўзгариб, ривожланиб боради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев такидлаганидек, «Мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки, инсоннинг қалби, мияси, онгу-тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирлардан тўхтамайди. Демак, унга доимо маънавий озиқ керак. Агар шу озиқни ўзи яшаётган муҳитдан олмаса ёки бу муҳит уни қониқтирмаса, нима бўлади, айтишлар? Бундай озиқани у аста-секин бошқа ёқдан излайди. Шунга йўл бермаслигимиз керак».



Шу ўринда миллий ғоя ва миллий ўзликни англашнинг тузилмасини таҳлил қилиш муҳим. «Миллий» тушунчаси «миллат» ва «мамлакат» тушунчалари билан узвий алоқадор. Жумладан, Ўзбекистоннинг мутақиллик шароитида ўзбек халқининг ўтмиши, миллий-маданий мероси нуктаи назардан қараш билан бирга унда мамлакат миллий манфаатлари ифодаланади. Миллийлик миллатнинг тарихи, қадриятлари, анъаналари, маданияти, яшаш тарзида яққол намоён бўлиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

#### Адабиётлар:

1. Mirziyoyev Sh.M. Niyati ulug' xalqning ishi ham ulug', hayoti yorug' va kelajagi farovon bo'ladi.–Toshkent: O'zbekiston, 2019.–39 b.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1–том. Тошкент, Ўзбекистон 2017.й. Б.:–484.
3. Бозоров.О. Миллий ғоя ва тарғибот самарадорлиги. Тошкент: Маънавият, 2018.Б.17-18.
4. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. Тошкент: Ўзбекистон, 2015.-Б.374.
5. Каримов И.А. «Юксак маънавият – энгилмас куч». – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.75.
6. Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. – Тошкент: Академия, 2004. – Б.75.
7. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. «FIDOKOR» газетаси муҳбири саволларига жавоблар //Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8 – жилд – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б. 462, 464-465, 500-501.
8. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафқуравий жараёнлар, Тошкент: Муҳаррир, 2009, -Б.18.
9. Даминов.И. Даминов.И. Ғоялар:эзгулик ва ёруғлик.Тошкент: Маънавият, 2018.-Б.-6, 27.

#### РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада ўқувчилар онгида жамият мафқурасининг миллий ўзликни англаш жараёнига таъсири, ёшларнинг ахлоқий-тарбиявий қарашларининг уйғунлашуви, ёшларда миллий ифтихор, ўзликни англаш, “Мен ватан учун неима қилдим!” каби маънавий таъсир омилларининг долзарблиги сифатида ёшларни интеллектуал қобилият эгаси сифатида вояга етказишда, шунингдек, келажакга порлоқ бўлиши, ватанга садокат, миллий ғурурни қарор топтириш каби юксак инсоний фазилатларни ривожлантиришнинг педагогик таъсир воситалари орқали ёритилган.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается влияние идеологии общества на процесс реализации национальной идентичности в сознании студентов, гармонию нравственно-педагогических взглядов молодежи, национальную гордость за молодежь, самосознание: «Я сделал все возможное для Родина!» как актуальность факторов духовного воздействия в воспитании молодежи как обладателей интеллектуальных способностей, а также педагогического воздействия на развитие высоких человеческих качеств, таких как светлое будущее, верность Родине, решимость национальной гордости.

#### SUMMARY

This article examines the influence of the ideology of society on the process of realizing national identity in the minds of students, the harmony of moral and pedagogical views of youth, national pride in youth, self-awareness: “I did everything possible for the Motherland!” as the relevance of factors of spiritual influence in the education of youth as owners of intellectual abilities, as well as pedagogical influence on the development of high human qualities, such as a bright future, loyalty to the Motherland, determination of national pride.